

СЕРТИФИКАТ – МАҲСУЛОТ СИФАТИ КЎЗГУСИ

(“Qishloq hayoti” газетасининг 2016 йил 11 мартдаги 30-сонли нашри)

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, халқаро сифат стандартлари асосида фаолият кўрсатишга бўлган эътибор тўғрисида маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бунда сифатни бошқариш тизимлари жорий этилаётгани алоҳида аҳамият касб этаётир.

Бугунги кунда ISO 9001 сериядаги халқаро стандартга асосан сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш билан бирга, саноат хавфсизлиги менежменти (OHSAS 18001), экологик менежмент (ISO 14001), озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик менежменти (ISO 22000), интеграллашган менежмент, яхши ишлаб чиқариш амалиёти (GMP), машинасозлик ва мувофиқ равишда бутловчи қисмларни етказиб берувчи корхоналарда сифат менежменти (ISO 16949) тизимларини жорий этиш ишлари ҳам фаоллашмоқда.

Ҳозирги кунга келиб стандартларнинг аҳамияти янада ортди. Буни қарийб 60 йил аввал ташкил этилган Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан ишлаб чиқилган халқаро стандартларга мувофиқлик дунё бозорига чиқишнинг бирламчи талабига айланганида ҳам кўришимиз мумкин. Ана шу мақсадда экспорт қилувчи корхоналарга, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектларига маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, уларни ташқи бозорларга олиб чиқиш масалаларида кўмаклашиш бўйича ихтисослашган тузилмалар ташкил этилди.

Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, юртимизда сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий этиш янада кенгайди.

Тадбиркорлик субъектларига яқиндан кўмак бериш, ишлаб чиқарувчиларга қулай шароит яратиш мақсадида агентликнинг барча ҳудудий марказларининг веб-сайтларида корхоналар учун сифат тизимларини жорий этишга оид ҳужжатлар намуналари жойлаштирилган. Ушбу масалада тадбиркорлик субъектларидан онлайн ариза қабул қилиш йўлга қўйилган. Мурожаатларнинг интерактив қабул қилиниши уларнинг вақти ва маблағи тежалишига имкон бермоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан агентлик тасарруфида

тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ташкил этилди. Мазкур бюро ҳамда унинг ҳудудий вакиллари стандартлаштириш, метрология, маҳсулотларни сертификатлаш, қадоқлаш, ёрлиқлаш ва бошқа параметрлар юзасидан бепул консултиватив маслаҳатлар кўрсатиб келмоқда.

Айни пайтда бюро халқаро, давлатлараро ва миллий стандартлардан иборат 40 мингдан ортиқ меъёрий ҳужжатга эга электрон кутубхона билан таъминланган.

– Соҳа мутахассислари томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти вакиллари билан ҳамкорликда мева-сабзавот маҳсулотларини Европа давлатларига экспорт қилиш талабларини ифода этувчи қўлланма чоп этилди, – дейди агентликнинг Маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси маслаҳатчиси Маъруфжон Жалилов. – Бу эса кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларига ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш имкониятини оширишда қўл келмоқда. Қўлланма асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг тўқсондан зиёд миллий стандарти ISO халқаро стандартлари билан уйғунлаштирилди.

Ковул маҳсулотига ишлаб чиқилган O'zDSt давлат стандарти ISO халқаро стандартлари билан уйғунлаштирилиши натижасида аввал хомашё сифатида экспорт қилинган ушбу маҳсулот ҳозирги кунда Испания, Франция, Италия, Буюк Британия ва Грецияга тайёр ҳолда етказиб берилмоқда.

Шунингдек, агентликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли билан бевосита ишлаш мақсадида ўн уч турдаги интерактив хизматлар йўлга қўйилган. Жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ўлчаш воситаларини қиёслаш учун ариза қабул қилиш, стандарт намуналарини, ўлчашларни бажариш услубиётларини метрологик аттестация қилиш ва бошқа турдаги хизматлардир.

Агентликда газ ва электр ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқилди. Намунавий ўлчов воситалари паркини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш мақсадида намунавий ўлчов воситалари харид қилинди. Натижада метрология хизматларидан фойдаланиш борасидаги мурожаатлар ўттиз фоизга қисқарди.

Озод ОЧИЛОВ,

“Qishloq hayoti” мухбири.